

АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил иш фаолияти яқунлари ҳамда 2023 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви Раиси ҳисоботи

Ҳисобот йили давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек банк акциядорлари ҳамда Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, банк Бошқаруви томонидан жами **768** та масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва улар ижроси қатъий назоратга олинди.

2023 йил 1 январь ҳолатига АТ «Алоқабанк» Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган **14** та ҳудудий комплекс хизматлар кўрсатиш марказлари ва **109** та хизмат кўрсатиш нуқталари (*74 та комплекс хизматлар кўрсатиш маркази, 30 та универсал касса, 5 та кўчма касса*) орқали турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳамда аҳолига барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банкнинг 2022 йилга мўлжалланган сиёсат ва стратегияси, шунингдек, хизмат кўрсатишда замонавий технология ва молиявий инновациялардан самарали фойдаланиш ҳисобига мижозларнинг банкка бўлган ишончини ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришилди.

Банкнинг мижозлар базаси 2023 йил 1 январь ҳолатига **1 734 421** тани ташкил этди. (1-жадвал).

1-жадвал

АТ «Алоқабанк» мижозлари базасининг таркиби тўғрисида маълумот

(дона)

т/р	Мижозлар таркиби	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан	
				+ ; -	%
1	Юридик шахслар	34 676	41 276	6 600	119,03%
2	Жисмоний шахслар	1 264 090	1 693 145	429 055	133,94%
Жами:		1 298 766	1 734 421	435 655	133,54%

Банк активлари

Банк томонидан 2022 йил давомида активлар салмоғини ошириш, мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда банк таваккалчиликларини самарали бошқариш сиёсатини қўллаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

2023 йил 1 январь ҳолатига банк активлари **16 083,6 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**12 638,5 млрд. сўм**) нисбатан **3 445,2 млрд. сўм** ёки **127,3 фоизга** ўсди. (2-жадвал).

2-жадвал

АТ «Алоқабанк» активлари таркиби тўғрисида маълумот

(млрд. сўм)

т/р	Активлари таркиби	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	фоизда
1	Кассадаги нақд пуллар	275,8	483,9	208,1	175,5%
	улуши (%)	2,2%	3,0%		
2	Марказий банкдаги маблағлар	1 238,8	1 620,9	382,1	130,8%
	улуши (%)	9,8%	10,1%		
3	Бошқа банклардаги маблағлар	901,4	1 613,2	711,8	179,0%
	улуши (%)	7,1%	10,0%		
4	Кредит қўйилмалар	7 754,3	9 161,9	1 407,6	118,2%
	улуши (%)	61,4%	57,0%		
5	Инвестициялар	98,3	95,8	-2,5	97,5%
	улуши (%)	0,8%	0,6%		
6	Асосий воситалар	812,3	1 238,3	426,0	152,4%
	улуши (%)	6,4%	7,7%		
7	Бошқа активлар	1 557,5	1 869,6	312,1	120,0%
	улуши (%)	12,3%	11,6%		
Жами:		12 638,46	16 083,6	3 445,2	127,3%

Ҳисобот даврида банк активлари таркибида даромад келтирувчи активлари миқдори **11 748,0 млрд. сўм** бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига (**9 032,5 млрд. сўм**) нисбатан **2 715,5 млрд. сўмга** ёки **130,0 фоизга** ошган ҳамда жами активлардаги салмоғи **73,0 фоизни** ташкил этди.

Банк капитали ва мажбуриятлари

Ҳисобот даврида банкнинг хусусий капитали **1 795,4 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 673,5 млрд.сўм**) нисбатан **121,9 млрд. сўм** ёки **107,3 фоизга** ошган. (3-жадвал).

3-жадвал

АТ «Алоқабанк» хусусий капитали таркибининг ўзгариши

(млрд. сўм)

т/р	Хусусий капитал таркиби	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	%
1	Устав капитал	953,6	951,1	-2,5	99,7%
	улуши (%)	57,0%	53,0%		
2	Қўшимча капитал	3,9	3,9	0,0	100,0%
	улуши (%)	0,2%	0,2%		
3	Захира капитал	603,7	510,2	-93,5	84,5%

	улуши (%)	36,1%	28,4%		
4	Тақсимланмаган фойда ¹	112,3	330,2	217,9	294,0%
	улуши (%)	6,7%	18,4%		
Жами:		1 673,5	1 795,4	121,9	107,3%

2023 йил 1 январь ҳолатига банкнинг устав капитали **951,1 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**953,6 млрд. сўм**) нисбатан **2,5 млрд. сўм**га камайди.

Банкнинг 2022 йил бизнес-режасига мувофиқ хусусий капитал бўйича режа кўрсаткичи (**2 634,7 млрд. сўм**) **68,1 фоиз**га бажарилди.

Ҳисобот йилида иқтисодиётдаги пул маблағларини жалб қилиш бўйича самарали депозит сиёсатини амалга оширилиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган депозитлар **7 697,7 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**6 796,1 млрд. сўм**) нисбатан **901,5 млрд. сўм** ёки **113,3 фоиз**га ортган. 2023 йил 1 январь ҳолатига банкнинг жами мажбуриятлари **14 288,2 млрд сўм**ни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даври (**10 964,9 млрд. сўм**) нисбатан **3 323,3 млрд. сўм** ёки **130,3 фоиз**га ўсди (4-жадвал).

4-жадвал

АТ «Алоқабанк» мажбуриятлари таркиби тўғрисида маълумот (млрд. сўм)

т/р	Мажбуриятлар таркиби	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	%
1	Талаб қилиб олинганча бўлган депозитлар	2 036,9	2 786,3	749,4	136,8%
	улуши (%)	18,6%	19,5%		
2	Муддатли депозитлар	4 759,2	4 911,4	152,2	103,2%
	улуши (%)	43,4%	34,4%		
3	Банклараро депозитлар	1 231,5	2 573,3	1 341,8	209,0%
	улуши (%)	11,2%	18,0%		
4	Жалб қилинган кредитлар	2 271,0	2 927,2	656,2	128,9%
	улуши (%)	20,7%	20,5%		
5	Бошқа мажбуриятлар	666,3	1 090,0	423,7	163,6%
	улуши (%)	6,1%	7,6%		
Жами:		10 964,9	14 288,2	3 323,3	130,3%

Банкнинг молиявий натижалари

2022 йил иш фаолияти натижалари бўйича олинган жами банк даромадлари **2 335,7 млрд. сўм** бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 633,8 млрд. сўм**) нисбатан **701,9 млрд. сўм** ёки **143,0 фоиз**га ошди.

¹ Тақсимланмаган фойда таркибида Бошқарув ихтиёридаги жамғарма қолдиғи 01.01.2023 йил ҳолатига 4,7 млрд.сўмни ташкил этади.

Шундан, фоизли даромадлар **1 499,6 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 206,7 млрд. сўм**) нисбатан **292,9 млрд. сўм** ёки **124,3 фоизга** ошди. Фоизсиз даромадлар **836,1 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**427,2 млрд. сўм**) нисбатан **408,9 млрд. сўм** ёки **195,7 фоизга** ошди.

Банк жами харажатлари амалда **2 107,3 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 526,3 млрд. сўм**) нисбатан **581,0 млрд. сўм** ёки **138,1 фоизга** ошди.

Фоизли харажатлар **993,8 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилни шу даврига (**798,3 млрд. сўм**) нисбатан **195,5 млрд. сўм** ёки **124,5 фоизга** ўсган. Фоизсиз харажатлар **399,0 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилга (**211,9 млрд. сўм**) нисбатан **187,1 млрд. сўм** ёки **188,3 фоизга** ошди. Операцион харажатлар **714,5 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилга (**516,0 млрд. сўм**) нисбатан **198,5 млрд. сўм** ёки **138,5 фоизга** ошди.

Ҳисобот даврида олинган жами соф фойда **228,4 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**107,6 млрд. сўм**) нисбатан **120,8 млрд. сўм** ёки **212,3 фоизга** ошди. 2022 йилга белгиланган бизнес-режа кўрсаткичи (**220,0 млрд. сўм**) **104,0** фоизга бажарилди.

Нақд пул муомаласи фаолияти бўйича

Банк тизими бўйича жами доимий нақд пул тушумига эга мижозлар сони 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **3 229** тани ташкил этиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан **542** тага ҳамда 2022 йилнинг 1 декабрь ҳолатига нисбатан эса **140** тага кўпайган.

Бугунги кунда, мазкур мижозларнинг **428** таси ёки **13,3** фоизи инкассация хизмати орқали ва қолган **2 801** таси ёки **86,7** фоизи нақд пуллари мустақил равишда банк кассаларига топшириб келмоқдалар.

Пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида банк мижозлари томонидан жами **29 855,2** млрд. сўм миқдорида чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатилган бўлиб, шундан **11 793,0** млрд. сўми ёки **39,5** фоизи банк кассаларига нақд пулда топширилган ва **18 062,2** млрд. сўми ёки **60,5** фоизи савдо (POS) терминаллари орқали амалга оширилган.

Ҳисобот даврида жами тушум миқдори 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **15 649,1** млрд. сўмга ёки **2,1** баробарга ўсди. Тушумнинг манбалари бўйича ўсиш кўрсаткичи қуйидаги жадвалда келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

2022 йил давомида тушган тушумлар (савдо (POS) ва виртуал (E-POS) терминаллари билан бирга) **тўғрисида маълумот**

(млрд. сўмда)

т/р	Тушум манбаси	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	%
1	Савдо тушуми	2 812,0	4506,7	1694,7	160,3
	жамидаги улуши	19,8%	8,8%		
2	Пуллик хизматлар тушуми	4 029,0	7068,2	3039,2	175,4
	жамидаги улуши	28,4%	13,9%		
2.1	Телефон ва коммунал хизматлардан тушган тушум	846,0	1457,2	611,2	172,2
3	Бошқа манбалардан	6519,0	18280,3	11761,3	280,4
	жамидаги улуши	45,9%	77,3%		
Жами:		14206,1	29855,2	15649,1	210,2

Ҳисобот даврида банк кассаларидан жами **9 589,1** млрд. сўм нақд пул маблағлари чиқим қилинган бўлиб, 2021 йилнинг мос даврига (**4 594,9** млрд. сўм) нисбатан харажат **4 994,2** млрд. сўмга ёки **2,0** баробарга ошган (6-жадвал).

6-жадвал

2022 йил давомида банк кассаларидан нақд пулда амалга оширилган чиқимлар тўғрисида маълумот

(млрд. сўм)

т/р	Чиқим йўналишлари	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	Ҳоизда
1	Бюджет ташкилотлари иш ҳақи тўловларига	239,5	196,0	-48,5	81,8
2	Хўжалик ҳисобидаги корхоналар иш ҳақи тўловларига	171,3	353,8	182,5	206,5
3	Омонатлар бўйича тўловларни тўлашга	154,5	530,4	375,9	343,3
4	Банк картасидан берилган нақд пуллар	1950,1	3739,7	1789,6	191,8
5	Чет эл валютасини сотиб олиш учун	1356,1	3031,3	1675,2	223,5
6	Бошқа харажатларни тўлашга	723,4	1738,0	1014,6	240,3
ЖАМИ		4594,9	9589,1	4994,2	208,7

Мазкур харажатлардан ташқари, 2022 йил давомида пенсия тўловлари учун Халқ банкининг филиалларига мадад пули сифатида жами **235,7** млрд.

сўм миқдорида нақд пул етказиб берилди, шунингдек Марказий банкнинг худудий бошқармаларига жами **2 081,8** млрд.сўм жўнатилди.

Корпоратив бизнес фаолияти

Корпоратив мижозлар ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш

2023 йил 1 январь ҳолатига корпоратив мижозлар ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи **6 765,4 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ҳисобот йили бошига (**6 425,3 млрд. сўм**) нисбатан **340,1 млрд. сўм**га ёки **105,3** фоизга ошди.

Корпоратив бизнеснинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи «Mirobaha» ва «Постфин» хизмати билан бирга 2022 йил якунига нисбатан **7 221,3 млрд. сўм**ни ташкил этди.


Корпоратив мижозлар ва кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг **405,2 млрд. сўм** ёки **6,0** фоизини қисқа муддатли ва **6 360,2 млрд. сўм** ёки **94,0** фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Ҳисобот санасига корпоратив кредит портфелининг ўртача тортилган фоиз ставкаси миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича **19,2** фоизни, хорижий валютада ажратилган кредитлар бўйича **8,2** фоизни ташкил қилади.

Ҳисобот даврида банк томонидан корпоратив мижозлар ва кичик бизнес субъектларига жами **3 361,7 млрд. сўм** миқдорида кредитлар ажратилди ҳамда **2 402,2 млрд. сўм** миқдоридаги кредитлар график асосида қайтарилди.

2022 йил якуни бўйича кредит қўйилмалар диверсификация ҳолати қуйидагича акс этди:

1-расм



Жумладан:

- саноат корхоналари – 1 768,6 млрд. сўм;
- транспорт ва коммуникацияси – 1 234,3 млрд. сўм;
- қурилиш соҳаси – 1 291,7 млрд. сўм;
- савдо, озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш соҳаси – 1 333,3 млрд. сўм;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳаси – 334,9 млрд. сўм;
- тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарига – 196,5 млрд. сўмлик;
- бошқа соҳа ва корхоналар учун – 606,1 млрд. сўмлик кредит қўйилмаларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида берилган топшириқлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва мажлис баёнларига асосан дастурлар доирасида 2022 йил давомида **128 та** лойиҳа учун жами **685,5 млрд. сўм** ҳамда **40,3 млн. АҚШ доллари** миқдорида кредитлар ажратилди.

Юқоридаги дастурлар бўйича кредитлар ажратилиши натижасида умумий қиймати **1 317,7 млрд. сўмлик 88 та** лойиҳалар ишга туширилди ва лойиҳалар ишга туширилиши натижасида **1 690 та** ишчи ўринлари яратилди.

Инвестицион фаолият

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг инвестиция портфели **855,51 млрд. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (*508,31 млрд. сўм*) нисбатан **377,2 млрд. сўмга** кўпайган.

Банк инвестиция портфелининг таркиби мулкчилик шаклига кўра, қуйидагилардан иборат:

- акциядорлик жамиятларининг акциялари – **55,60 млрд. сўм** ёки **6,28 фоиз**;
- масъулияти чекланган жамиятларидаги улушлар – **40,24 млрд. сўм** ёки **4,55 фоиз**.

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат қимматли қоғозларига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қимматли қоғозларига (*ДҚҚ*) – **789,67 млрд. сўм** ёки **89,17 фоиз**.

2022 йил давомида банкнинг инвестиция портфелидаги инвестициялардан жами **79,3 млрд. сўм** миқдорида даромад олинди.

Валюта амалиётлари

2023 йил 1 январь ҳолатига экспорт шартномалари бўйича валюта маблағлари тушуми **270,3 млн. АҚШ доллари**ни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига (**174,0 млн. АҚШ доллари**) нисбатан **96,3 млн. АҚШ доллари**га ёки **55,35 фоизга** ошди.

Шу билан бирга, жорий йил якунига импорт шартномалари бўйича валюта маблағлари ўтказмалари **742,87 млн. АҚШ доллари**ни ташкил этди

ва ўтган йилнинг шу даврига (**580,31 млн. АҚШ доллари**) нисбатан **162,56 млн. АҚШ доллари**га ёки **28,01 фоизга** ошди.

2023 йил 1 январь ҳолатига мижозларнинг ташқи савдо шартномалари доирасида умумий қиймати **77,34** млн. АҚШ долларига аккредитивлар очиб берилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига (**66,10** млн. АҚШ доллари) нисбатан **11,24** млн. АҚШ долларига ёки **17 фоизга** ошган.

2022 йил 1 январь ҳолатига ички валюта бозорида **12 912** та буюртманомалар қабул қилинган бўлиб, мижозлар томонидан **562,70** млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида хорижий валюталар харид қилинган. Мижозлардан эса **405,07** млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида хорижий валюталар сотиб олинган.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар

2023 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон республикаси томонидан кафолатланмаган ташқи қарз шартномаларининг умумий сони 115 тани, улар бўйича асосий қарз қолдиғи эса 233,76 млн. АҚШ долларини ташкил қилгани ҳолда ўтган йилнинг мос даврига (226,71 млн. АҚШ доллари, шартномалар сони 76 та) нисбатан 7,06 млн. АҚШ долларига ортган. Ҳисобланган фоизлар бўйича қарздорлик қолдиғи 25,28 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига (11,25 млн. АҚШ доллари) нисбатан 14,03 млн. АҚШ долларига кўпайган.

2023 йил 1 январь ҳолатига инвестиция шартномаларининг сони 17 тани, умумий қиймати эса 185,56 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ушбу шартномалар доирасида 17,30 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар келиб тушган. Бунда, 3,84 млн. АҚШ доллари резидентларнинг устав капиталида иштирок этиш учун, 12,5 млн. АҚШ доллари хориждаги давлат улушини сотишдан, 951,36 минг АҚШ доллари эса резидентларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун келиб тушган инвестициялар ҳисобланади. Бунда, инвестиция шартномаларининг қиймати ўтган йилнинг шу даврига (32,49 млн. АҚШ доллари) нисбатан 153,07 млн. АҚШ долларига ошган.

Чакана бизнес фаолияти

Жисмоний шахсларни кредитлаш фаолияти

2023 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи **2 396,5 млрд. сўмни** (жами кредит қўйилмаларининг **26,2 фоизи**) ташкил қилиб, 2022 йил учун белгиланган бизнес–режа кўрсаткичи (*1 706,0 млрд. сўм*) **140,5 фоизга** бажарилди. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи йил бошига нисбатан **1 067,5 млрд. сўмга** ошиб, ўсиш **180,3 фоизни** ташкил этди.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар тури бўйича кредит портфели диверсификацияси:

- **57,3 фоизи** ёки **1 371,7 млрд. сўми** автокредитлар;

- **22,6 фоизи ёки 541,4 млрд. сўми** ипотека кредитлари;
- **17,7 фоизи ёки 425,1 млрд. сўми** микроқарз;
- **2,4 фоизи ёки 58,2 млрд. сўмини** истеъмош, таълим кредитлари ва бошқа мақсадларда ажратилган кредитлар ташкил қилади.

Ҳисобот даврида жисмоний шахсларга жами **2 246,8 млрд. сўм** миқдоридан кредитлар ажратилди ва **1 079,3 млрд. сўм** миқдоридан кредитлар график асосида қайтарилди. Ажратилган кредитларнинг **1 394,3 млрд. сўми (64,9 фоизи)** автокредит, **224,1 млрд. сўми (10,4 фоизи)** ипотека кредитлари, **480,4 млрд. сўми (22,4 фоизи)** микроқарзлар (шундан, **169,7 млрд. сўми** онлайн микроқарзлар) ҳамда **47,9 млрд. сўми (2,2 фоизи)** истеъмош ва бошқа мақсадлар учун ажратилди.

Шунингдек, банк томонидан ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сон ва 2021 йил 11 мартдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6186-сон Фармонларига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан 2022 йил давомида жами **915 нафар** фуқарога **197,1 млрд. сўм** миқдоридан ипотека кредитлари ажратилди. Шундан:

- бирламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун 672 нафар фуқарога 148,0 млрд. сўм;

- яқка тартибдаги уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш учун 242 нафар фуқарога 49,1 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

2022 йил давомида жисмоний шахсларнинг кредитлари бўйича жами **407,3 млрд. сўм** фоизли даромад олинди.

Ҳисобот санасига чакана кредит портфелининг ўртача тортилган фоиз ставкаси **22,9 фоизни** ташкил қилиб, йил бошига нисбатан (**22,4 фоиз**) **0,5 фоизга** ошди.

Валюта айирбошлаш операциялари

Ҳисобот даврида банкнинг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали жами **322 261 та** жисмоний шахсдан **274,0 млн. АҚШ доллари** эквивалентида нақд чет эл валютаси сотиб олинган. Банкнинг мобил иловаси орқали **5,9 млн. АҚШ доллари** миқдоридан нақдсиз чет эл валютаси сотиб олинган. Шунингдек, банкоматлар орқали жами **0,6 млн. АҚШ доллари** сотиб олинган.

Йил бошидан банкнинг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали жами **185 840 та** жисмоний шахсга **253,4 млн. АҚШ доллари** эквивалентида нақд чет эл валютаси сотилган. Банкнинг мобил иловаси орқали **33,6 млн. АҚШ доллари** миқдоридан чет эл валютаси сотилган. Банкоматлар орқали жами **1,8 млн. АҚШ доллари** сотилган (7-жадвал).

АТ «Алоқабанк» томонидан жисмоний шахсларга сотилган ва улардан сотиб олинган чет эл валютаси тўғрисида маълумот

(млн. АҚШ долларларида)

т/р	Кўрсаткичлар	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	фоизда
1.	Сотиб олинган чет эл валютаси	168,3	280,5	112,2	166,7%
<i>шу жумладан:</i>					
1.1.	ВАШ орқали сотиб олинган чет эл валютаси	158,5	274,0	115,5	172,9%
1.2.	Мобил илова орқали сотиб олинган чет эл валютаси	-	5,9	5,9	-
1.3.	Банкомат орқали сотиб олинган нақд чет эл валютаси	1,4	0,6	-0,8	-55,3%
2.	Сотилган чет эл валютаси	102,1	253,4	151,3	248,3%
<i>шу жумладан:</i>					
2.1	ВАШ орқали сотилган чет эл валютаси	95,0	218,0	123,0	229,5%
2.2	Мобил илова орқали сотилган чет эл валютаси	6,9	33,6	26,7	487,2%
2.3	Банкомат орқали сотилган нақд чет эл валютаси	0,2	1,8	1,6	1123,3%

Аҳоли омонатлари

Банкнинг ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида аҳолининг бўш пул маблағлари банкнинг амалдаги **14** турдаги омонатларидан 9 та муддатли (жамғарма) ҳамда 4 таси банк «AloqaMobile» иловаси орқали жалб қилинмоқда.

Омонатлар бўйича аҳолининг талаблари ўрганилиб, жорий қилинган узоқ муддатли ва жозибали янги омонат турлари банкнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

АТ «Алоқабанк» тизимида янги турдаги 3, 4 ва 12 ой муддатларга нақд пулда ва бошқа банк карталаридан жалб қилинадиган «Чорак аср», «Жозибба» ва миллий валютадаги банк карталари орқали жалб қилинадиган 3, 4 ва 12 ой муддатларга «Чорак аср онлайн», «Жозибба плюс» мобил омонат турлари амалиётга жорий қилинди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, 2023 йил 1 январь ҳолатига банк бўйича аҳоли омонатлари қолдиғи **1 746,6 млрд. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (909,3 млрд. сўм) **837,4 млрд. сўмга** ёки **192 фоизга** ошган. Шунингдек, муддатли омонатлар қолдиғи **1 073,9 млрд. сўм (61 фоиз)**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (424,2 млрд. сўм) **649,7 млрд. сўмга** ёки **253 фоизга** ва банк

картаси ҳисобварақларидаги қолдиқ **633,0 млрд. сўм (36 фоиз)**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (410,8 млрд. сўм) **222,2 млрд. сўмга** ёки **154 фоизга** ошган (8-жадвал).

8-жадвал

**АТ «Алоқабанк» томонидан аҳолидан жалб этилган депозитлар
тўғрисида маълумот**

т/р	Омонат турлари	01.01.2022 ҳолатига (млн. сўмда)	01.01.2023 ҳолатига (млн. сўмда)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўзгариши
1	Талаб қилиб олингунча	57 845	37 737	-20 108
2	Жамғарма	16 359	1 945	-14 414
3	Муддатли	424 226	1 073 910	649 684
4	Банк картаси ҳисобварақлари	410 832	633 026	222 194
	ЖАМИ	909 262	1 746 618	837 356

Юқоридаги жадвал маълумотларидан фоиз тўланмайдиган омонатлар қолдиғи **202,1 млрд. сўмга** ошганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, банк картаси ҳисобварақларидаги қолдиқлари **633,0 млрд.сўмни** ташкил этгани ижобий ҳолат ҳисобланади ва банкнинг фоизли харажатлари камайишига хизмат қилади.

Халқаро пул ўтказмалари

Ҳисобот даврида **119 та** универсал кассалар орқали халқаро пул ўтказмалари хизмати кўрсатилиб, аҳолининг **591,9 млн. АҚШ** доллари миқдоридagi валюта маблағлари ўз эгаларига етказиб берилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилга (**361,6 млн. АҚШ** доллари) нисбатан **230,3 млн. АҚШ** долларига ёки **163,6** фоизга кўпайди. Жумладан, **553,5 млн. АҚШ** доллари эквивалентида маблағ келиб тушди, **38,4 млн. АҚШ** доллари эквивалентида маблағ жўнатилди (9-жадвал).

9-жадвал

**АТ «Алоқабанк» томонидан халқаро пул ўтказмалари бўйича амалга
оширилган операциялар тўғрисида маълумот**

т/р	Амалиёт тури	01.01.2022 ҳолатига (млн. АҚШ долларида)	01.01.2023 ҳолатига (млн. АҚШ долларида)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, млн. АҚШ долларида	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, (%)
1	Келиб тушган маблағлар	311,3	553,5	242,2	177,8
2	Жўнатилган маблағлар	50,3	38,4	-11,9	76,3
	Жами айланма маблағ	361,6	591,9	230,3	163,6

3	Олинган даромад	0,97	2,8	1,83	288,6
---	-----------------	------	-----	------	-------

Банк карталари ва савдо (POS) терминаллар

Ҳисобот даврида (2023 йил 1 январь) банк томонидан муомалага чиқарилган банк карталари сони 1 194 609 та (шундан: «UzCard» – 677 417 та, «UzCard-UnionPay» кобейдж 26 697 та, «VISA – 49 842 та, «Нумо» - 423 874 та ва бошқалар – 16 779 та)ни ташкил этди.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига банк томонидан нақд пулсиз тўлов тизимини ривожлантириш ва аҳолидан электр энергия, табиий газ, телефон алоқаси, коммунал хизматлар, савдо ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни йиғишга алоҳида эътибор қаратилганлиги сабабли, жойларда **13 758 та** савдо (POS) терминал ўрнатилган. Савдо (POS) терминаллари сони ўтган йилнинг шу даврига (12 299 та терминал) нисбатан **1459 тага** кўпайди ва ўсиш **111,8 фоизни** ташкил этди (10-жадвал).

10-жадвал

АТ «Алоқабанк» томонидан эмиссия қилинган банк карталари ва савдо (POS) терминаллар тўғрисида маълумот

(дона)

т/р	Кўрсаткичлар	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	%
1	Савдо (POS) терминаллари сони	12 299	13 758	1 459	111,8%
2	Банк карталари сони	1 049 471	1 194 609	145 138	113,8%
2.1	«UzCard»	557 014	677 417	120 403	121,6%
2.2	«VISA»	132 687	49 842	-82 845	37,5%
2.3	«UnionPay»	60 456	43 476	-16 980	71,9%
2.4	«Нумо»	299 314	423 874	124 560	141,6%

2023 йил 1 январь ҳолатига банкнинг савдо (POS) терминаллар тармоғи орқали ўтказилган транзакцияларининг умумий суммаси **36 025,2 млрд. сўми**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**15 890,4 млрд. сўм**) нисбатан **20 134,8 млрд. сўм** ёки **226,7 фоизга** ортган.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига банк карталари ҳисобварақларидаги қолдиқ **633,52 млрд. сўми**, шунингдек халқаро «VISA» банк карталари ҳисобварақларидаги қолдиқ **8,84 млн. АҚШ долларни** ташкил этди.

АТ «Алоқабанк» томонидан банк карталари ва савдо (POS) терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар тўғрисида маълумот

(млрд.сўм)

т/р	Кўрсаткичлар	01.01.2022 йил ҳолатига	01.01.2023 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	%
1	Савдо (POS) терминаллар тармоғи орқали ўтказилган транзакциялар	15 890,4	36 025,2	20 134,8	226,7%
2	Банк карталари ҳисобварақларидаги қолдиқ	273,9	633,52	359,62	231,3%
3	Халқаро «VISA» банк карталари ҳисобварақларидаги қолдиқ	5,38 млн \$	8,84 млн \$	3,46 млн \$	164,3%
4	Банкоматлар орқали берилган нақд пуллар	1 139,7	1 903,6	763,9	167%
5	Инфокиосклар орқали ўтказилган транзакциялар	5,6	3,8	-1,8	67%

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳрида **21** та ва ҳудудларда **139** та жами республика бўйлаб **160** та «UzCard» ва «HUMO» тизимидаги банкоматлар ўрнатилган.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг банкоматлари орқали берилган нақд пулларнинг умумий суммаси **1 903,6 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йил ҳолатига **1 139,7** млрд. сўмга ёки **167** фоизга ошган.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг инфокиосклари орқали ўтказилган тўловларнинг умумий суммаси **3,8 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ўтган йил ҳолатига 1,8 млрд. сўмга камайган ва буни банкнинг «Zoomrad» мобил иловаси орқали тўлов хизматларидан фойдаланиш ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Рақамли банк хизматларининг ривожланиши

Банк барча банк хизматларини масоафий тарзда кўрсатиш орқали фаолиятини рақамлаштиришни асосий стратегик мақсади сифатида белгилаб олган.

Бугунги кунда «Zoomrad» мобил иловаси орқали жисмоний шахсларга, «Aloqa Business» мобил иловаси ва «Банк-мижоз» интернет банкинг дастури орқали корпоратив мижозларга хизматлар кўрсатиб келинмоқда.


2023 йилнинг 1 январь ҳолатига «Zoomrad» мобил иловаси фойдаланувчилари сони 831 756 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 баробарга ўсишга эришилди.

Шунингдек юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун мўлжалланган «Aloqa Business» мобил иловаси ва «Банк-мижоз» интернет-банкнинг дастури фойдаланувчилари сони 28 192 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 34 фоиз ўсишга эришилди.

2-расм

«Zoomrad» фойдаланувчилари сони

Интернет-банкнинг ва AloqaBusiness фойдаланувчилари сони



Фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда рақамли банк хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида 2022 йил мобайнида банкнинг «Zoomrad» мобил иловасида бир қатор қўшимча хизматлар амалиётга жорий этилди. Жумладан:

1. Турар жой билан боғлиқ маълумотлар, коммунал хизматлар балансини онлайн кузатиш ва уларга тўловларни амалга ошириш учун «Менинг уйим» хизмати:

- жами фойдаланувчилар **96,2 минг**;
- ўтказилган тўлов сони **730 минг**;
- ўтказилган тўловлар миқдори **38 млрд. сўм**.

2. Шахсий ёки бириктирилган автомобил тўғрисидаги маълумотларни онлайн кузатиб бориш имконияти «Менинг автомобилим» хизмати:

- жами фойдаланувчилар **105,6 минг**;
- жарима хизматига уланганлар **63,9 минг**;
- тўланган жарималар сони **53,1 минг**.

3. Хорижий валюта(АҚШ доллари)да жисмоний шахслар ўртасида картадан картага ўтказмалар – «VISA-Direct» хизмати.

4. Банкка ташриф буюрмасдан масофадан идентификациядан ўтган ҳолда виртуал «HUMO» ҳамда виртуал «VISA» карталарни расмийлаштириш хизмати:

- очилган банк карталари сони «VISA» – 9 706 та, «HUMO» – 5 531 та;
- ўтказмалар миқдори 1 140,0 минг АҚШ доллари.

5. 9 турдаги электрон давлат хизматларини мобил илова орқали онлайн кўрсатиш хизмати.

6. Талабаларнинг олий таълим учун олий таълим ташкилотларига контракт тўловларини онлайн тарзда амалга ошириш хизматлари жорий этилди:

- жами биллине тизимига уланган ОТМлар сони 114 та;
- ўтказилган тўловлар 39,1 млрд. сўм.

Шу билан биргаликда, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра «Zoomgrad» мобил иловасининг фаол фойдаланувчилари сони 732 мингтани ташкил этди ва илова орқали 16 923,2 млрд. сўмлик картадан картага пул ўтказмалари (P2P), 3 410,1 млрд. сўмлик бошқа хизматлар бўйича транзакциялар амалга оширилди.

«Zoomgrad» мобил иловасидан амалга оширилган тўловлар бўйича маълумотлар

(млн. сўмда)

т/р	Хизмат номи	Ўтказилган тўловлар миқдори
1	Онлайн конверсия амалиётлари	418,42
2	Кредитларни сўндириш тўловлари	447,13
3	Онлайн омонатларни расмийлаштириш	2 164,66
4	Онлайн микроқарзлар олиш	157,35
5	Бир марталик тўловлар	222,54
Жами		3 410,10

Банкда электрон тижоратни янада ривожлантириш, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловларини масофадан туриб амалга ошириш ва қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, салмоғини кенгайтириш борасида барча тўлов тизимлари («Click», «PayMe», «Paynet», «Payto», «Paysys», «Beepul», «Uray», «Oson») билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди ҳамда Марказий банк томонидан тегишли лицензияга эга бўлган янги тўлов ташкилотлари («Payment System Platform», «Multicard Payment», «Yangi Payment») билан янги ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Банкнинг тўлов хизматлари бозоридаги 47 ташкилотлардан 23 таси (49 фоиз) билан ўзаро ҳамкорлик келишувига эришилган бўлиб, уларга эквайринг ва бошқа электрон тижорат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. 2022 йил давомида мамлакат бўйлаб кўрсатилган чакана тўловларнинг

23 фоизи айнан АТ «Алоқабанк» виртуал (E-POS) терминаллари ҳиссасига тўғри келди.


3-расм

Тўлов ташкилотлари билан ҳамкорлик



4-расм


Банк тизимида чакана тўловлардаги АТ «Алоқабанк»нинг улуши



2022 йил давомида **1 844 та** янги виртуал (E-POS) терминаллари рўйхатдан ўтказилиб, натижада виртуал (E-POS) терминалларнинг умумий сони **13 815 тани** ташкил қилди. Шунингдек, 2022 йил давомида банкнинг виртуал (E-POS) терминаллари орқали олинган банк даромади **184,4 млрд. сўм** ва олинган ялпи фойдаси **38,8 млрд. сўм** бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига банкнинг ушбу фаолиятдан олган даромади **281,7 млрд. сўмни**, ялпи фойдаси **58,48 млрд. сўмни** ташкил қилди.

Виртуал (E-POS) терминалларидан олинган даромад ва ялпи фойда


(млн. сўмда)



Экотизимнинг шаклланиши

Банкнинг рақамли экотизими қуйидагини ташкил этиб, у ўз ичига:

- янги стартап лойиҳалар;
- сунъий интеллект ечимлари;
- фрилансерлар учун онлайн дастурий ечимлар;
- масофавий таълим хизматлари;
- онлайн харидлар;
- электрон давлат хизматлари каби йўналишларни қамраб олган.



Технологик трансформация ва янги технологик платформа

2022 йилда банк томонидан бир қанча рақамли трансформация жараёнлари амалга оширилиб, амалиётга татбиқ этилди. Хусусан:

- Банкнинг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ҳамда рақамли трансформация қилиш мақсадида Буюк Британиянинг «Colvir Banking System» дастурий таъминоти жорий этилди ҳамда ушбу дастурий таъминот 83 та модуллар тизимидан ташкил топиб, 94 та ташқи тизимлар билан интеграция қилинди.

- Банкнинг хорижий валютадаги банк карталари амалиётлари учун «Ассоциация» мақомидан «Принципиал банк» мақомига ўтилиб «INHOUSE» тизими жорий этилди.

- Фронт-офисда мижозларни идентификация қилиш, банк операцияларини верификация қилиш («Face-ID») тизими жорий этилди;

- Банкнинг корпоратив фаолияти тўғрисидаги маълумотларини интеллектуал таҳлил қилиш бўйича ахборот тизимлари («BI» тизим) жорий этилди;

- Электрон навбатни бошқариш бўйича ахборот тизими («Queue Management System») жорий этилди;

- Банкнинг Контакт-марказига «CISCO» интеллектуал ва таҳлилий дастурий таъминоти интеграция қилинди;

- Банкда ягона маълумотлар омбори тизимини яратиш мақсадида – «Warehouse» тизими жорий этилди.

Ходимлар билан ишлаш фаолияти

2023 йил 1 январь ҳолатига Бош офис ва **14 та** Ҳудудий комплекс хизматлар кўрсатиш марказларида жами **1 571 та** штат бирлиги мавжуд бўлиб, шундан амалда ишлаётган ходимлар **1 558 нафар**ни ташкил этади. Ҳомиладорлик ва бола парваришlash таътилидаги ходимлар сони республика бўйича **97 нафар**ни ташкил қилади. Ходимларнинг 508 нафари аёллар, 1 050 нафари эркаклардан иборат. **Ўттиз ёшгача** бўлган ходимлар сони 614 нафарни ташкил қилади.

Амалдаги ходимларнинг **351 нафарини** раҳбар ходимлар, **821 нафарини** менежерлар, **319 нафарини** касса ходимлари ва **67 нафарини** кичик хизмат ходимлари ташкил қилади.

Банк таркибий бўлинмаларини малакали ходимлар билан бутлаш, ходимларни тўғри танлаш, уларни рағбатлантириш, раҳбар ходимлар захирасини шакллантириш, ходимлар қўнимсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.